

Ёш ҳуқуқшунослар кўрик танлови



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.05.2019-йилдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4306-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида Қўмқўрғон туман прокурори ташаббуси билан тумандаги мактабларининг 8,9,10,11-синф ўқувчилари иштирокида “Ёш ҳуқуқшунослар” кўрик танлови ўтказилиди.

Танловда ўзларининг мактабларида юқори натижаларни қўлга киритган 80 нафар ўқувчилар иштирок этишди.

Танлов якунига кўра 1-ўринни Ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Ж.Махмарежапова, 2-ўринни 21-мактаб ўқувчиси М.Йўлдошева, 3- ўринни 33-мактаб ўқувчиси Ш.Бобоқуловлар қўлга киритишди. Ғолиб бўлган ўқувчиларга туман прокурорининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.